



Суиқасд – энг оғир

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда қотиллик, “самосуд”, яъни ўзбошимчалик билан бировни жазолаш, таҳқирлаш, калтаклаш ҳолатлари ҳақидаги хабарлар кўпайиб кетди. Наманганда 26 ёшли эркек 23 ёшли талаба хотинини куппа-кундузи таълим муассасаси ҳудудида пичоқлаб ўлдирди... Қашқадарёда бир аёл собиқ эрига турмушга чиққан жувонни кўчада зўравонлик билан таҳқирлади... Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида бошланғич синф ўқитувчисини ўқувчининг онаси калтаклади...

Бу каби воқеаларни эшитиб даҳшатга тушасан.

Сир эмас, “самосуд” пайтида ҳам кучлар тенг бўлмайди, “жазоланувчи” киши ҳимоясиз, ожиз ҳолатда ваҳшийлик қурбонига айланади. Ўйланиб қоласан, жамиятимизда бу каби ҳолатлар нега тез-тез такрорланяпти, одамларга нима бўляпти ўзи? Кимдир ўзбошимчалик билан жазолашга, энг даҳшати, ҳаётига қасд қилишга уларни нима мажбур этмоқда?

Бирор кишининг айбдор ёки

ЖИНОЯТ



жиноятчи деб топилиши учун, аввало, унинг айби маҳкамада гувоҳлар ва далиллар ёрдамида исботланиши лозим. Айби исботлангач, қандай жазо белгилашни ҳам фақатгина қози – судья ҳал қилади. Бошқа ҳеч ким! Бу нарсаси Асосий Қонунимизда ҳам белгилаб қўйилган:

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда,

ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Яхши англашимиз лозим, инсонларни ноҳақ азоблаганлар мабодо бу дунёда жазодан қутулиб қолсалар ҳам, охирада, албатта жазосини олади. Ислон ҳукми бўйича инсонни ноҳақдан урган, озор берган шахснинг гуноҳи фақат мазлумнинг қасос олиши ёки кечириб юбориши билангина ювилиши мумкин. “Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса – бировга” деган нақл бор. Агар ўзгага нисбатан зўравонлик қилмоқчи бўлган кимса, унга етказадиган жабри миқдорича азоб тортмасдан туриб, гуноҳи кечирилмаслигини билса, бу ишга қўл урармиди? Асло!

3-бетда

Фиқҳ

Қурбонлик қилишнинг фазилатлари

Мусулмонлар Қурбон ҳайити кунларида муқаддас Макка шаҳрида ҳаж ибодатларини бажараётган бўладилар. Ҳаж ибодатлари орасида қурбонлик қилиш ҳам бор. Бойлиги нисобга етган мусулмонларга қурбонлик қилиш вожибдир.

Қурбонлик сўзининг ўзаги “қурбон” арабчадан таржима қилинганида “яқин бўлиш” деган маънони билдиради. Демак, ҳар бир қурбонлик қилувчи мусулмон киши, албатта, Аллоҳга

яқинроқ бўлади. Қурбонлик қилиш Аллоҳ таолога яқин бўлиш ниятида махсус вақтда, хос бир ҳайвонни сўйишдир. Қурбонлик қилинадиган “махсус вақт” дегани – Зулҳижжа ойининг ўнинчи (яъни, Қурбон ҳайити куни), ўн биринчи ва ўн иккинчи кунларидир. Унинг охириги вақти Зулҳижжанинги ўн иккинчи куни қуёш ботиши билан ниҳоясига етади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким қурбонлик**

қилишга қодир бўла туриб, қурбонлик қил-

маса, бизларнинг масжидларимизга яқинлашмасин”, деганлар.

Аҳмад ибн Исҳоқ розияллоҳу анҳу айтади: “Камбағал ва касалманд акам бор эди. Камбағаллигига қарамай ҳар йили Қурбон ҳайити кунлари бир қўйни қурбонликка сўярди. Акам вафот этганидан кейин икки ракат намоз ўқиб, Аллоҳ таолодан акамни тушимда кўрсатишини сўраб илтижо қилдим.

2-бетда

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 18 май. Индонезиянинг етакчи “SCTV” телеканали ижодкорлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари зиёрат туризми ҳақида махсус дастурлар тайёрлашга киришди.

✓ 18 май. Намангандаги “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юртида Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси, сийрат фани устози Абдул Азим Зиёуддиннинг “Сиз Пайғамбарни кўрганмисиз?” (1–2-жузлар), “Расулulloҳ ва аҳли байт”, “Нурул басар” (табдил ва таҳқиқ) ва “Нурул яқийн” (академик таржима) китоблари тақдироти бўлиб ўтди.

✓ 19 май. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида қайта бунёд этилган “Дорул омон” жомеининг янги биноси очилиш маросимида қатнашиб, мавъиза қилди.

✓ 20 май. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Ҳайдаркул ҳожи бобо” масжидида 92 нафар гапириш ва эшитиш имконияти чекланган ҳамюртимиз учун “Сиз бизга кераксиз!” шиори остида хайрия тадбири ўтказилди.

✓ 24–26 май. Мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Яқуб ва унинг эри Муҳаммад Абдулла Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Имом” мажмуаси, Самарқанддаги “Имом Бухорий” мажмуаси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби билан танишдилар.

✓ 25 май. “Вақф” хайрия жамоат фонди ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида амалга оширилган ишлар, янги лойиҳалар кўриб чиқилди.


✓ 29 май. Тошкентда Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси, Ислон бизнеси халқаро ассоциацияси “World Halal Trust Group” ҳалол сертификат ва стандарт компанияси (Литва) билан ҳамкорликда илк бор “Ўзбекистонда биринчи ҳалол форуми” ўтказилди.

✓ 30 май. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг диний масалалар бўйича маслаҳатчиси Маҳмуд Турк жанобларини қабул қилди.

Ким ҳажни ўзига фарз қилса...

«**Ҳаж** (мавсуми учун) маълум ойлар (белгиланган). Бас, ким шу ойларда ҳажни ўзига фарз қилса (ҳажни ният қилса), **ҳаж давомида** (жинсий) яқинлик, гуноҳ-маъсият ва жанжал (каби ишларга рухсат) йўқ. Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур. (Ҳаж сафарига) **озуқа олиб чиқинг. Энг яхши озуқа тақводир. Тақвони Менга қилингиз** (Мендан кўрқингиз), **эй оқиллар!**» (Бақара сураси, 197-оят).

«**Маълум ойлар**»дан мурод шаввол, зулқаъда ва зулҳижжа ойининг дастлабки ўн кунидир. Ҳаж амаллари айнан ана шу ойларда адо этилади. Шунинг учун



мазҳабимизда ҳаж учун мазкур ойлардан бошқа ойларда эҳром боғлаш макруҳ саналади.

«**Бас, ким шу ойларда ҳажни ўзига фарз қилса**» — эҳром боғлаш орқали ҳажни зиммасига лозим қилса, қуйидаги ишлардан тийилсин: — «**яқинлик**»дан — эр-хотинлик муносабатларидан, аёллар ҳузурида жинсий рағбатга майл уйғотувчи

сўзларни сўзлаш, фахш-уятсиз гаплар, уни айтишдан;

— «**гуноҳ-маъсият**»дан — яъни ҳақоратомуз сўзлар билан бир-бирини чақиришдан, ўзгаларни ҳақоратлашдан, сўкишдан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Мўмин кишини ҳақоратлаш ва сўкиш ҳаромдир**», деганлар;

— «**жанжал**»дан — ҳамроҳлари ва хизматчилар билан,

ҳайдовчилар билан талашиб-тортишишдан. Ҳаж ибодатидан бошқа вақтларда ҳам саналган мазкур амаллардан сақланиш, тийилиш вожиб бўлса-да, эҳромга кирган кишилар учун улар такроран эслатилмоқда. Чунки у гуноҳларнинг эҳромдаги кишидан содир бўлиши жуда манфур ва хунукдир.

«**Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур**».

Яманликлар «Биз Аллоҳ таолога таваккул қилувчилармиз», деган баҳона билан ҳаж сафари учун йўл озуқасини олишмас, оқибатда ўзгаларга юк ва қарам бўлишарди. «(Ҳаж сафарига) **озуқа олиб чиқинг**», одамлардан таом сўраб, уларни қийин аҳволга солманг! «**Энг яхши озуқа тақводир**», яъни бошқаларга юк бўлиш, уларга қарам бўлишдан сақланинг.

Ёки Аллоҳ таолонинг қайтариқларидан қайтиб, охират кунини учун захира қилинг! Зеро, захираларнинг энг яхшиси тақводир.

«**Менга тақво қилингиз** (азобимдан кўрқингиз), **эй оқиллар!**» Ақли бор одам Аллоҳ таолонинг азобидан кўрқади. Кимнинг тақвоси, кўркуви бўлмаса, у ақлсиз тентак кабидир.

«Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил» асарини асосида «Саййид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом билим юрти мударриси **Абдулазиз ФУРЗУЛОВ** тайёрлади.

Бир ҳадис шарҳи

Ойша онамиздан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: «**Албатта, Аллоҳ таоло сизлардан бирингиз бирор ишга киришганида, уни пухта** (камалига етказиб, сифатли қилиб) **бажаришини яхши кўради**» (Имом Абу Яъло ривояти).

Аллоҳ таоло амалларни пухта бажарган бандаларини яхши кўриши билан бир қаторда уларни сифатга эътибор қаратишга, мукамалликка ундайди. Жумладан, Куръони каримда бундай марҳамат қилади: «**Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун мукамал адо этинг!**» (Бақара сураси, 196-оят)

Фикҳ

Пухталик — муҳаббатга сабаб

Бундан инсон ҳар бир ишни пухта бажариши, мукамал адо этиши назарда тутилган. Чунки сифатда унум ва барака бор. Унда юксалиш ва ишонч бор.

Демак, ибодатимиз қабул, дуоларимиз мустажоб, касбу коримизда барака бўлиши учун ҳар биримиз ўз вазифамизни пухта ва сифатли қилиб бажариш бурчимиздир. Зеро, бу орқали биз Аллоҳнинг муҳаббатига, инсонларнинг ишончи, ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўламиз. Агар бу жиҳатга эътибор қаратмайдиган бўлсак, кўплаб кўнгилсизликларга дуч

келишимиз турган гап. Масалан, илмни пухта эгалламай туриб, берилган жавоб ёки фатво катта муаммоларга сабаб бўлади. Ошпаз ўз ишини пухта бажармас экан, инсонларнинг соғлиги, ҳаёти хавф остида қолади. Йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўзлаштирмаган ҳайдовчи нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Ўз ишини, вазифасини сидқидилдан, кам-кўстсиз, ҳалол бажармаган раҳбарнинг қўл остидаги кишилар жабр кўриши табиий.

Хуллас, қайси касб ё соҳа эгаси

бўлишидан қатъи назар, ҳар бир киши ўзининг ишини — ўзига юклатилган вазифани сифатли, тўлатўкис, камалига етказиб бажариши вожибдир.

Шундай экан, ҳар биримиз танлаган касбимизни пухта эгаллайлик. Кимларнингдир саодати ёки фалокати, бахти ёки бахтсизлиги, ҳамжиҳатлиги ёки парокандалиги бизнинг қўлимизда эканини бирор лаҳза унутишга асло ҳақимиз йўқ!

Эркин ҚУДРАТУЛЛОҲ,
«Мир Араб» ўрта махсус ислом билим юрти мударриси

Қурбонлик қилишнинг фазилятлари

1-бетда

Уни тушимда кўрсам, у бир яхши, кулранг отнинг устида бўлиб, ёнида яна кўп зотдор отлар ҳам бор эди. Мен: «Эй ака, Аллоҳ сизга нима ато этди?» деб сўрадим. У: «Аллоҳ таоло мени мағфират этди», дедилар. Сабабини сўрадим. «Бир кунини бир кампирга Аллоҳ йўлида бир дирҳам садақа қилганим туфайли мағфират этилдим», деб жавоб берди. «Бу отларни қаердан олдингиз?»

дедим. «Булар дунёда сўйган қурбонликларим бўлиб, миниб турганим энг биринчи қурбонлигимдир», деб жавоб берди. «Қаерга кетяпсиз?» деб сўрасам: «Жаннатга», дея кўзимдан ғойиб бўлди.

Азизлар, Аллоҳ таолонинг розилигини истар эканмиз, албатта, Унинг буйруқларига сўзсиз итоат этайлик. Қурбонлик қилишга қурбимиз етса, албатта, бу ибодатни адо этайлик. Чунки мана шу

қурбонлик туфайли бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз янада ортади ва шу сабабли Аллоҳ таоло биздан рози бўлиб, даражамизни икки дунёда ҳам баланд қилади.

Аллоҳ таоло юртимизни турли офат-балолардан ҳифзу ҳимоясида асрасин.

Давронбек МАМБЕТОВ,
Эликқалъа тумани
«Сафо» жоме масжиди имом-хатиби





Таълим беришда тутган йўллари*

Айрим ҳолларда Набий алайҳис-салом саҳобаларидан ўз саволларига жавоб сўраш орқали таълим берганлар. Бунда савол беришдан мақсад улардан жавоб олиш эмас, балки эшитувчиларни қизиқтириш, берилган саволнинг аҳамиятли эканига, уни билиб олиш кераклигига диққатни тортиш эди. Шунинг учун ҳам у зот кўпинча ўртага савол ташлаб қўяр эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таълим беришда улў саҳобаларга қўллаган ушбу услубларининг ўзгача аҳамияти бор эди. Ҳозирги кунда аксарият педагог ва тарбиячилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллаган мазкур услубни қўллайдилар. Илмий масалани савол тариқасида ўртага ташлаб, сўнг унга ўзлари жавоб беришади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бирон масалани ўртага ташлаб, сўнг унга ўзлари жавоб берар эдилар. Саволни саҳобалар жавоб бериши учун эмас, балки уларнинг илми ва зийраклигини имтиҳон қилиш учун берардилар.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Дарахтлар ичида барги тўкилмайди-ган бир дарахт бор. У мўминга ўхшайди. Унинг қайси дарахт эканини менга айтишлар-чи?”**» дедилар. Ҳаммининг ҳаёлига чўлда ўсадиган бирор дарахт келди. Менинг ҳаёлимдан эса хурмо ўтди, лекин жавоб беришга уялдим. Саҳобалар: **“Эй Аллоҳнинг Расули, унинг нима эканини бизга айтинг”**, дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“У хурмо”**, дедилар».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таълим ва кўрсатма беришда саҳобаларнинг малолланиб қолишидан ёки тутган йўллари қийинчиликка олиб боришидан қўрқар эдилар. Уларга дам олиш, куч тўплаш ва

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

янгидан ғайратга тўлиш учун вақт берар эдилар. Шунда уларга етказилган маълумотлар ҳам хотираларига ўрнашиб қоларди.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бешиб қолмаслигимиз учун вақти-вақти билан мавъиза қилар эдилар”**.

Шунингдек, у зот инсонларнинг ақли кўтарадиган қилиб мавъиза қилганлар. Уларнинг идрокига тўғри келадиган, фитрат ва услубига муносиб сўзларни гапирар эдилар. Шунинг учун ҳам инсонлар у зотнинг сўзларини осон ва енгил тушунишган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларга уларнинг ўз шевасида гапирганлар. Масалан, Омир Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«ليس من امر امصيام في امسفر» яъни **“Сафарда рўза тутиш яхшиликдан эмас”**, дедилар. Бу сўзни ашъарийлар қабиласининг шевасида гапирдилар (ашъарийлар **“алифлом”**даги **“лом”** ўрнига **“мим”** ишла-тишади. Бу сўз аслида

«ليس من البر الصيام في السفر» бўлиши керак эди. Бу маълумотни тўлақонли фаҳмлаш учун араб тили грамматикасига оид китобларга мурожаат қилиш тавсия қилинади).

Набий алайҳиссалом берилаётган таълим-тарбия қалбларга мустаҳкам ўрнашиши учун, инсонлар уни яхши тушуниб олиши учун айрим ҳолларда сўзларини уч марта такрорлар эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир буйруқ ва ҳар бир қайтариқда Рабблари ўргатган, Қуръонда кўрсатма берилган тўғри тарбиявий йўлни тутганлар. У зот барча буйруқ ва қайтариқларни бирданига буюрмас, балки буларнинг барчасини босқичма-босқич амалга оширганлар. Шунинг учун инсонлар ундан малолланиб қолишмаган,

у зотнинг таълимларини ортиқча деб ҳисоблашмаган.

Набий алайҳиссалом Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга юбораётганларида керакли кўрсатмаларни берганлар ҳамда босқичма-босқич йўл тутишни буюрганлар.

Юқорида айтилганлардан кўри-ниб турибдики, таълим-тарбия беришда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тутган йўллари жуда кўп ва турлича бўлган. Бу усуллар ёрдамида у зот инсонларни мунаввар ва мукамал, тўғри йўлга бошлаганлар, унинг ёғдусида гўзал ҳаёт асосларини мустаҳкамлаганлар. Натижада инсонлар турли урф-одат ва қабила-ларга мансуб бўлса ҳам, шариятни қабул қилиш учун бирлашдилар. Бунда муаллимлари Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одоб ва таълимлари барчага намуна бўлди. Бунинг самараси ўларок, Яман му-сулмонларнинг қўлида фатҳ этилди.

Набий алайҳиссалом биз учун чиройли намуна бўлсалар, саҳобалар гўзал мисол бўла оладилар. У зотнинг йўлларида юрамиз ва ҳидоятларига эргашамиз. Шунда Аллоҳ таоло бизга осмону ер неъматларини баракали қилади ва дунёю охиратда саодатга эришамиз, иншоаллоҳ!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таълим беришдаги йўлларида бирон нарсани ташлаб кетмай, барча нарсага катта аҳамият қаратганларини кўришимиз мумкин. Бу йўл дунё ва дин ишларига алоқадор бўлган нарсаларни эътибордан четда қолдирмаган. Мазкур услуб энг яхши умматни етиштирадиган соғлом қоидаларни ўрнатган. Бу йўлга эргашган умматлар эса илм ва маданиятни дунёнинг у четидан бу четигача тарқатдилар.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг **“Икки олам сарвари”** асаридан
Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси

Долзарб мавзу

Суиқасд – энг оғир жиноят

1-бетда

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Ким ўз ғуломига тарсаки туширса, бунинг каф-форати уни озод қилишдир”**, деганларини эшитдим» (Имом Аҳмад ривояти).

Абу Масъуд Бадрий розияллоҳу анҳу айтади: «Бир ғуломимни қамчи билан ураётган эдим. Ортимдан **“Эй Абу Масъуд, билгинки”** деган овозни эшитдим. Ҳазабнинг кучидан овозни танимадим. (Овоз эгаси) менга яқинлашганда қарасам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам эканлар. У зот: **“Эй Абу Масъуд, билгинки, албатта, Аллоҳ сенинг устингдан сен бу ғуломнинг устидан бўлганингдан кўра қодирроқдир”**, демоқда эдилар. Мен дарҳол: **“Бундан сўнг ҳеч қачон қулни урмайман”**, дедим. У зотнинг ҳайбатларидан қўлимдаги қамчим тушиб кетди: **“Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг розилиги учун у ҳурдир”**, дедим. У зот: **“Агар шундай қилмаганингда, дўзах сени куйдирган бўлар эди”**, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Динимизда нафақат бегонага,

балки қулга ҳам куч ишлатиш ман этилди. Энди бировларга нисбатан ўзича жазо қўллаётганлар, айниқса, ваҳшийларча қотиллик қилаётганларнинг оқибатини тасаввур қилверинг. Улар ўзларича адолатни қарор топтиряпман, деб ўйлашади. Аслида эса, дахлсиз бир инсоннинг ҳаётига дахл қилишмоқда. Ҳеч кимнинг ўзбошимчалик билан **“самосуд”** қилишга ҳаққи йўқ!

Тўлқин ШЕРНАЕВ

“Оламгирия”, “Табйин”,
“Мухтасар”, “Хизона”

581-ФАТВО

Яшаётган уйини сотиб, пулига арзонроқ уй олиб, ортган пулига ҳаж қиламан деган ниятда уйни сотиши лозим бўлмайди. Шунингдек, ҳовлисидаги ортиқча уйларни сотиб, пулига ҳажга бориши ҳам лозим эмас.

“Оламгирия”, “Қозихон”,
“Изоҳ”

5-бетда

“Энг яхши китобхон” ғолиблари

25 май куни Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар ўртасида “Энг яхши китобхон” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон мусулмонлари

идораси раиси ўринбосари Уйғун Ғофуров, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид сўзга чиқиб, китобхонликнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди.

Дастлаб талабалар “Бадий китоблар билимдони” шарти бўйича беллашишди. Ушбу шартда талабалар билим ва маҳорат, китобхонлик ва мулоҳаза

салоҳиятларини намоиш этишди. “Тезкор савол-жавоб”, “Буюк мутафаккир ва адиб” шартлари ҳам мурасиз ва қизғин кечди.

Иштирокчиларнинг чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаб боришди. Якуний натижага кўра, “Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Ҳасанхон Ойбек ўғли Муҳаммаджонов “Энг яхши китобхон” танлови ғолиби бўлди. У биринчи даражали диплом ва ўн миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Иккинчи ўрин “Жўйбори калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Гулжаҳон Ботирали қизи Аминжоновлага насиб этди. Унга иккинчи даражали диплом ва саккиз миллион сўм пул мукофоти топширилди.

Учинчи ўринни “Имом Фахриддин ар-Розий” ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Ҳадиятулло Муҳаммадали ўғли Исмаилжонов кўлга киритди. У учинчи даражали диплом ва беш миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловдаги фаол иштироки учун “Кўкалдош” ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Ҳамидулла Хайрулла ўғли Борлибоевга



“Энг зукко китобхон” фахрий ёрлиғи ва соврини топширилди. Шунингдек, ҳар бир иштирокчига “Вақф” хайрия жамоат фондининг совғалари тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз



Ислом сабоқлари

Шафоат – Аллоҳ таолога тазарру қилиб, ёлвориб ўзгага яхшиликни тилаш ва ундан ёмонликнинг даф этилишини сўрашдир.

«Ким яхши шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Ким ёмон шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Аллоҳ ҳар бир нарсанинг баҳосини берувчи Зотдир» (Нисо сураси, 85-оят).

Бу ояти каримада яхши шафоатдан мурод мусулмоннинг ҳаққи риоя қилинган, ёмонликни ундан даф этилгани шафоатдир. Ёки Аллоҳ таолонинг розилигини ис-таб мумкин бўлган ишларда би-рор нарса олмай мусулмонга яхшилик келтиришдир. Ёмон ша-фоат яхши шафоатнинг аксидир (Имом Замахшарий).

Аллоҳ таолонинг изнисиз қиёмат куни ҳеч ким гапира олмас, шафоат ҳам қилолмас.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Улар фақат У зот рози бўлган шахсларгагина шафоат қилурлар. Улар У зотнинг қўрқинчи-дан титраган ҳолда турурлар» (Анбиё сураси, 28-оят).

«У кунда Раҳмон унга изн берган ва сўздан рози бўлганлардан бошқанинг шафоати фойда бермас» (Тоҳа сураси, 109-оят).

«Сен уларни яқинлашгучи Кундан огоҳлантвр. Ўшанда жонлар халқумга келиб, ғам-ғуссага тўлиб турарлар. Золимлар учун ҳеч бир дўст ҳам, итоат қилинадиган шафоатчи ҳам йўқ» (Ғофир сураси, 18-оят).

«Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар мавжуд, уларнинг шафоати ҳеч фойда бермас. Магар, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлганларга изн берса (гина бўлур)» (Нажм сураси, 26-оят).

Шафоат ва унинг турлари

Аллоҳ таолонинг изни билан қиёмат куни пайғамбарлар, фаришталар, солиҳ мўминлар шафоат қилинади.

Набий алайҳиссалом марҳамат қиладилар: «Рўза ва Қуръон бандага шафоатчи бўлади. Рўза: “Ё Раббим! Мен кундузи уни таом ва шаҳватдан ман қилдим, энди мени унга шафоатчи қил”, дейди. Қуръон: “Мен уни тунда уйқудан ман қилдим, мени унга шафоатчи қил”, дейди» (Имом Аҳмад ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Бирор мусулмон вафот этса ва унинг жанозасида Аллоҳга ширк келтирмаган қирқ киши қоим бўлса, Аллоҳ уларни бу бандага шафоатчи қилади”, деганларини эшитдим» (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар муаззинни (нг азонини) эшитсангиз, унинг айтганларини такрорланг, сўнг менга салавот айтсиз, Аллоҳ унга ўнта салавот айтади. Кейин Аллоҳдан мен учун васийлани сўранг. У жаннатдаги бир мартаба бўлиб, Унга Аллоҳнинг бандаларидан биттасигина эришади. Уша мен бўлишимни умид қиламан. Ким мен учун васийлани сўраса, унга шафоат ҳалол бўлади”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Турсунбой МАТКАРИМОВ,

“Имом Фахриддин ар-Розий” ўрта махсус ислом билим юрти мударриси

Қарзини қайтармаган гуноҳга ботади

Абдуллоҳ ибн Абу Рабийъа розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам мендан қирқ минг (дирҳам) қарз олдилар. Кейин у зотга мол келганида уни менга қайтариб бердилар ва: **“Аллоҳ молингга ва аҳлингга барака берсин. Албатта, қарзнинг мукофоти мақтов ва адо этишидир”**, дедилар» (Имом Насоий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **«Исро кечаси жаннат эшигида: “Садақага ўн баробар, қарзга ўн саккиз баробар”, деган ёзуви кўрдим. Жаброил алайҳиссаломга: “Нима учун қарзга садақадан кўпроқ?” дедим. У: “Чунки садақа муҳтожнинг ҳам, беҳожатнинг ҳам қўлига тушаверади, қарз эса, фақат муҳтожга берилади”, деди»** (Имом Ибн Можа ривояти).

Ҳақиқатан, муҳтож одамга қарз бериб, мушкулини осон қилиш — улкан савоб. Мўмин киши биродарининг мушкули осон бўлишини кўзлаб қарз беради. Шундай экан, қарз берган одамнинг яхшилигини қадрлаш ва омонатни ўз вақтида эгасига қайтариш лозим.

Афсуски, бугун жамиятимизда қарз олди-бердисига ўта енгил қарайдиганлар кўпайиб кетди: кимдир қайтара

олиш-олмаслигини ўйламай қарз олса, кимдир қайтармаслик ниятида олади. Натижада қарз берувчига жабр бўлади. Одамлар ўртасидаги ўзаро ишончга путур етади. Қарз олди-бердисини деб нафақат дўстлик-биродарлик, балки қариндошлик алоқалари ҳам узилиб кетмоқда.

Шундай кишилар борки, ўзларига тўқ бўлатуриб, қарз олишади-да, қайтаришни атайин ортга суришади. Қарз берган кишининг эсидан чиқишини кутишади. Улар ўзларича шу йўл билан қарзларидан қутулмоқчи бўлишади. Баъзилар эса, аввал-бошдан қарзни қайтармаслик ниятида олишади. Қарзни бермаслик учун турли баҳоналарни рўқач қилиб, ўзларини муҳтож кўрсатишади. Охир-оқибат ҳақдор ҳам қарзини кечиб юборишга мажбур бўлади. Улар мана шу йўл билан ўзгаларнинг ҳақини ўзлаштириб олишади.

Баъзида олган қарзларидан тонадиган кимсалар ҳам учраб туради. Улар пулни қайтармаслик учун ҳар қандай ёлғон-яшиқдан тап тортишмайди. Шунинг учун қарз олди-бердисини гувоҳлар ёрдамида ёзиб қайталаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Аллоҳ таоло: **«Эй иймон келтирганлар! Бир-бирингиздан бирор**

муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз!» (Бақара сураси, 282-оят) деб марҳамат қилган.

Набий алайҳиссалом марҳамат қилдилар: **“Ким қарзини адо қилишни ирода қилиб одамлардан мол олса, Аллоҳ таоло унга тўлаш сабабларини муҳайё қилиб қўяди. Ким талафот етказишни ирода қилиб олса, Аллоҳ унинг ўзига талафот етказди”** (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа ҳадисда: **“Ким одамларнинг молларини (қарзга) олиб, уни қайтаришни ният қилса, Аллоҳ уни адо этишида ёрдам қилади. Ким йўқ қилишни ният қилиб олса, Аллоҳ уни йўқ қилади”**, деб огоҳлантирилган.

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бадавлат кишининг (бировдан қарз олиб, уни қайтармай вақтни) чўзиб юриши зулмдир”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳар бир мўмин ушбу кўрсатмаларни яхши билиб олиши ва уларга оғишмай амал қилиши зарур. Ўзгаларнинг ҳақини ўзлаштиришдан, ишончини суиистеъмол қилишдан эҳтиёт бўлайлик. Албатта, унинг ҳисоб-китоби оғир бўлади.

Мухаммадмурод ДЕХНАВИЙ

Убудият

Бойлик афзалми ё фақирлик?

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Кишилар фақирликнинг бойликдан афзал экани борасида ихтилоф қилишди. Баъзилар фақирликни, баъзилар бойликни яхши дейишди. Масалан, солиҳ бой афзалми ё солиҳ фақир афзалми?

Баъзилар солиҳ бой афзал деса, бошқалар солиҳ фақир афзал дейишади...”

Бойликни афзал дейдиганлар бу ояти каримани хужжат қилишади: **«Сизни камбағал ҳолда топиб, (Хадичага уйланишингиз туфайли) бой қилиб қўймадимиз!»** (Зухро сураси, 8-оят). Ояти каримада Пайғамбарига бойлик лутф-марҳамат ўлароқ зикр этилган. Агар бойлик яхши бўлмаганида, Аллоҳ таоло уни бу ўринда зикр қилмаган бўлар эди.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Яхши мулк яхши киши учун нақадар ярашиқлидир!”** деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Улуғлар айтишган: “Мол-мулк ғурбатда ватан, фақирлик ватанда ғурбат. Ким фақирлик кўрпасига ўранса, қаерда бўлса ҳам ғарибдир”.

Мухаммад ибн Каъб Куразий: “Агар давлатманд киши тақво соҳиб бўлса, Аллоҳ унинг мукофотини

икки ҳисса қилиб беради”, деди ва ушбу оятни ўқиди: **«На молларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Бизнинг даргоҳимизга яқин қилувчидир. Фақат иймон келтирган ва солиҳ амал қилган зотлар — айнан ўшаларгагина қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бордин ва улар (жаннатдаги) кўшклар узра осойишталикда бўлурлар»** (Сабаъ сураси, 37-оят).

Бу ояти каримадан аёнки, иймон келтирган ва эзу ишларни қилиб ўтганлар ва ўз бойликларини Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида сарфлаган, фарзандларига яхши тарбия бериб, дину диёнат, илму маърифат соҳиблари бўлишига моддий ва маънавий жиҳатдан жидду жаҳд қилганларга Аллоҳ таоло ажрларини кўпайтириб беради.

Фақирлик афзал, деганларнинг хужжати бундай: **«Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. (Бунга) сабаб ўзини бой — беҳожат санашидир»** (Алақ сураси, 6–7-оятлар). Яъни, бойлик кишининг ҳаддидан ошишига сабаб бўлади.

Исо алайҳиссалом бундай деган: “Фақирлик дунёда машаққат, охиратда қувончдир. Бойлик дунёда қувонч, охиратда машаққатдир”.

Анас розияллоху анху ривоят қилади: **«Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ё Аллоҳ, мени фақир ҳолда яшати ва шу ҳолда жонимни ол. Қиймат кунда йўқсиллар билан бирга жамла”**, дедилар. Ойша розияллоху анҳо: “Нега, ё Расулуллох?” деб сўради. Шунда у зот: **“Чунки фақирлар бойлардан қирқ йил илгари жаннатга киришади. Эй Ойша! Йўқсил сўраб келса, яримта хурмо бериб бўлса ҳам, уни қуруқ қайтарма. Эй Ойша! Йўқсилларни яхши кўр, уларга яқин бўл. Аллоҳ қийматда сени жаннатга яқин қилади”**, дедилар» (Имом Термизий. “Зухд”).

Фақиҳ раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “... Кузатсангиз, улуғ саҳобалар орасида ҳам бойлар бўлган. Уларга Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам бойликларидан воз кечишни буюрмадилар. Агар бой бўлиш ёмон бўлганида, уларни бой-бадавлат бўлишдан қайтарган бўлар эдилар. Демак, айб бойликда эмас, бой бўлгач, Аллоҳ таолонинг амрларига зид иш қилишдадир”.

Абу Лайс Самарқандийнинг “Бўстонул орифин” асаридан Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ таржимаси.

Масала

3-бетда

582-ФАТВО

Соғлиқ ҳам ҳажнинг фарз бўлиши учун шарт қилинган. Сурункали касалга чалинган, кўзи ожиз, фалаж, икки оёғи кесилган каби кишиларга ҳаж вожиб эмас. Уларни бошқа одамлар ҳаж қилдириб қўйишлари ҳам вожиб эмас, оғир касал бўлса, ҳажжи бадалга васият қилиши ҳам лозим эмас. Шунингдек, катта ёшли нотавон кишилар, беморларга ҳам ҳаж лозим эмас. Бу Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад раҳимаҳумуллохдан қилинган ривоят. Агар ожиз кишилар бировларга ҳажжи бадал қилдирсалар, ожизлик давом этиб турса, жоиз. Борди-ю, ожизлик кетиб, қудрат ҳосил бўлса, ўзлари қайтадан ҳаж қилишлари вожиб.

“Оламгирия”, “Фатҳул Қадир”

583-ФАТВО

Йўлга қодир, соғлом одам ҳажга бормаи юрганида ногоҳ сурункали касалга ёки фалажга айланиб қолса, харажани тўлаб, ҳажжи бадал қилдириши лозим. Агар узрли, нотавон бемор кишилар қийинчиликка қарамай ўзлари ҳажни адо этсалар, ҳажлари ҳисобга ўтади. Соғайганларидан кейин қайтадан ҳаж қилишлари лозим эмас.

“Оламгирия”, “Фатҳул Қадир”

584-ФАТВО

Юрти билан Макка шаҳри ўртасидаги сафар масофаси (90–100 км) билан тенг ёки ортиқ бўлса, аёл кишига ҳажга бирга бориб келадиган маҳрам бўлиши шарт қилинган. Маҳрам — эри ёки ўрталарида никоҳ раво бўлмайдиган эркак қариндошларидан бири. Қариндошлиги насаб ё эмиқдошлик ёки қудачилик жиҳатидан бўлиши мумкин. Маҳрам оқил, болиғ, ишончли бўлса кифоя.

“Оламгирия”, “Хулоса”, “Қозихон”, “Муҳит”

7-бетда

Мусулмонлар бир-бирларини ҳурматлашга масъулдир

Таассуфки, баъзи бир сабаблар туфайли, жумладан, динимиз йўриқларини яхши билмаслик, ташқи аралашув боис мусулмонлар ўртасида бир-бирларини ҳурмат қилмаслик, куфрда айб-лаш, низолашув ҳолатлари учраб турибди. Ваҳоланки, биз мусулмонлар ўзаро низолашувдан қайтарилганмиз.

Имом Абу Довуд “Сунан”ида Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳудан ривоят қилади. Набий алайҳиссалом бундай марҳамат қиладилар: **«Кимнинг охирги сўзи “Лаа илаҳа иллагаллоҳ” бўлса, жаннатга қиради»**. Убода ибн Собит розийаллоҳу анҳу ривоят қилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким “Лаа илаҳа иллагаллоҳу ва анна Муҳаммадан расулulloҳ”, деб иқрор бўлса, Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қилади»**, деб марҳамат қилганлар» (Имом Муслим ривояти).

“Ақийдатут Таҳовия” китобида бундай келади: “Модомики, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарсаларга ишониб, у зотнинг сўзларини хабарларини тасдиқлар эканлар, қибла-миз аҳлини мўмин-мусулмон ҳисоблаймиз... ва қибла аҳлидан кимдир ҳаромни ҳалол санамас экан, уни гуноҳи туфайли кофир-га чиқармаймиз”.

“Хулоса” асарида айтилади: “Агар мўмин кишини кофир ҳисоблашга бир қанча далиллар бўлган ҳолда, мўмин эканига битта далил бўлса, уни кофир эмас, деб фатво бериш муфтийга вожиб бўлади”.

“Баззозия”да: “Агар мусулмон киши очик, аниқ куфрга далолат қиладиган гап-сўзни айтса, у мусулмон ҳисобланмайди”, дейилади.

Шундан маълум бўладики, мусулмон киши диндан экани аниқ собит нарсаларни инкор қилиш билан кофир бўлади. Яъни, намоз, закот, рўза, ҳаж каби фарз ибодатларни инкор қилиш, ароқ, зино,

қотиллик каби Аллоҳ ҳаром қилган ишларни ҳалол санаш, ҳалол нарсаларни ҳаромга чиқариш шуларга мисол бўлади.

Мусулмон киши мунозара вақтида одобга риоя қилиб, биродарини ҳурмат қилиши ва унинг шаънини топтамаслиги лозим. Хусусан, биродарини кофирга чиқаришдан ва уни куфрга ундайдиган ҳолатга солишдан сақланиши вожиб бўлади.

Манбалар асосида

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти

талабаси **Нодирбек ШЕРБОЕВ**

тайёрлади.

Уламолар ибрати

Қироат ва ҳадис имоми Ҳишом ибн Аммор раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Отам уйини йигирма минг дирҳамга сотиб, ҳаж қилишим учун харажатларимни таъминлаб берди. Мен йўлга отландим. Мадинага етиб, баъзи масалаларни сўраш учун Имом Моликнинг илм ҳалқасига бордим. У киши худди подшоҳлардек ҳайбат билан ўтирар, атрофида бир нечта хизматчилар ҳозир у нозир, одамлар эса у кишидан савол сўрашар эди. Имом ҳар бир саволга жавоб берарди. Мажлис туганидан кейин ундан: “Менга ҳадис айтиб беринг”,

Дарра эвазига ҳадис

дедим. У эса: “Сен айт”, деди. “Йўқ, сиз айтинг”, дедим. У зот яна менга айтишимни буюрди. Мен эса яна сўрадим. Шунда имом хизматчисини чақириб, унга мени ўн беш дарра уришни буюрди. Хизматчи буюрилганидек мени ўн беш дарра урди. (Ҳишом ибн Аммор Шомдан борган. У юртларда ҳадисни устоз айтди, талабалар эса эшитди. Имом Моликнинг илм ҳалқаси бошқача бўлган — гоҳида ўзлари ҳадис айтди, гоҳида эса талабалардан сўраб,

хатоларини тўғрилаб қўярди. Буни Ҳишом билмаган. Имом Моликнинг гапини қайтараверганидан у зот буни одобсизликка йўйган.)

Мен йиғладим. “Нега йиғлаясан, қаттиқ урдими?” деди имом. “Отам ўз уйини сотиб, мени сиздек зот билан кўришиб, оғзингиздан ҳадис эшитишим учун олдингизга жўнатган эди. Сиз эса, мени калтаклатдингиз. Қасамки, сизни кечирмайман!” дедим. Имом гапимдан таъсирланди ва: “Нима қилсам

кечирасан?” деди. “Ўн беш дарра калтаклатдингиз, энди ўн бешта ҳадис айтиб берасиз”, дедим.

У киши менга, сўраганимдек, ўн бешта ҳадис айтиб берди. Тўхтаганидан кейин у кишига: “Мени яна дарралаб, эвазига яна ҳадис айтиб беринг”, дедим. Имом Молик гапимдан кулиб юборди ва: “Бўлди, боравер энди”, деди.

“Сиярул аъламин нубало”

Ҳикматлар хазинаси

Гар сафойи ҳарамии

Каъба зи Замзам бошад,

Замзами каъбайи дил

дийдаи пур нам бошад.

То набандий зи суҳан

лаб нашавад дил гўё,

Нутқи Ийсо самари

рўзайи Марям бошад.

Таржимаси: Агар Каъба ҳарамининг софлиги Замзам суви билан бўлса, қалб каъбасининг замзами кўз ёшидир. То лабингни гапдан юмгаунингча дилинг гўё бўлмайди. Исо алайҳиссаломнинг бешиқда гапиришлари онаси Биби Марям тутган рўзанинг самарасидир.

Соиб раҳимахуллоҳ бу шеърида жуда гўзал мазмунларга ишора қилади. Дунё қибласи — Каъбага қўнган чангу ғуборлар унинг ёнгинасидан отилиб чиққан мўъжизавий сув — Замзам билан ювилади. Иккинчи мисрада эса инсон қалби Каъбага ўхшатишган. Зеро, унда ҳам Каъба сингари Аллоҳнинг

тажаллийгоҳи бўлишга салоҳият бор. Қалб каъбасига ўткинчи дунё ташвишлари, хато ва гуноҳлар туфайли ёпишган гарду ғуборлар кўз ёшлари билан ювилади. Қалбнинг чангу ғуборларини бундан бошқа ҳеч нарса кетказа олмайди.

Олдинги баъзи шариатларда гапирмай рўза тутиш машруъ бўлган. Ҳазрат Биби Марям Исо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлганларида одамлар турли савол-жавоблар билан озор бермасликлари учун Аллоҳ таоло у кишига ўшандай рўза тутишни амр қилган. Одамлар гапга солмоқчи бўлса, у киши имо-ишора билан рўза тутганларини билдирган. Исо алайҳиссалом туғилибқ ўзларининг Аллоҳнинг бандаси эканлари ва келажакда у кишига бир китоб (Инжил) берилиб, пайғамбар бўлишлари ҳақида хабар берганлар. Бешиқдаги боланинг гапириши мўъжиза эди. Бу мўъжиза билан оналари

Биби Марямнинг покизалиги ҳам исботланди.

Ҳазрат Соиб Қуръони каримдаги мана шу қиссага ишора қилиб: “Исо алайҳиссаломнинг нутқи, яъни гапиришлари аслида онасининг рўза тутиб, гапирмай юришларининг самарасидир. Сен ҳам бекорчи гаплардан тилингни тийсанг, қалбингга ҳикматли, яхши гаплар кела бошлайди”, дейди.

У киши қалбни дунё қибласи бўлмиш Каъбага, икки кўздан оқадиган ёшларни эса Замзам сувига ўхшатади. Каъбага ёпишган гарду ғуборлар Замзам суви билан ювилганидек, ўткинчи дунё ташвишлари, хато ва гуноҳлар билан қирланган қалб кўз ёшлари билан ювилади. Замзам сувини Каъбанинг ёнгинасидан оқизиб қўйган, қалбларни ювадиган сувни эса булоқ каби кўзлардан оқизиб қўйган меҳрибон Раббимизга ҳамду санолаб бўлсин!

Қосим Нонутавий ҳам кўз ёши ҳақида бундай дейдилар: “Биламизки, узоқ чет элдан келтирилган молнинг нархи баланд бўлади. Аллоҳнинг бениёз даргоҳида ҳамма нарса мавжуд. У даргоҳда кўз ёши йўқ, холос. Шунинг учун Аллоҳ таоло кўз ёшига катта баҳо беради”.

“Мажолиси ҳақимул умма” асаридан
Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси



Кимда уч хислат бўлса...

Динимиз кишиларни бир-бирларига меҳр-оқибатли ва ҳар доим ўзаро яхши муносабатда бўлишга чақиради. Айниқса, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, улар ўртасида силаи раҳмни кучайтиришга буюради:

«Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош кўшню бегона кўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мактанчоқ кишиларни севмайди» (Нисо сураси, 36-оят).

Афсуски, бугун турмуш ташвишлари билан бўлиб, қариндошлик алоқаларига безътибор бўляпмиз. Туғишганларнинг телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашишлари одат тусига кирди. Улар билан фақат тўй-маъракаларда юз кўришилмаса, бошқа маҳал бир дастурхонда жам бўлиб, дийдорлашиш йўқ. «Меҳр кўзда» деганлари ҳақ. Кўз кўзга тушмагани боис ака-укачилик, қариндошлик алоқалари узилиб кетмоқда.

Яна бир гап. Бугунги кунда олди-берди ва шу каби баъзи сабаблар билан юзкўрмас бўлиб кетаётганлар бор. Бу каби инсонлар йиллар давомида гина-кудурат сақлаб, ўз ака-укаси ёки бошқа яқини билан гаплашмайди.

Яқинда кўшнимиз уйида эҳсон ўтказди. Шунда барча кўни-кўшни бир дастурхонда жам бўлди. Аммо мезбоннинг бир уй нарида турадиган укасига кўзимиз тушмади. Хайрон қолдик. Кейин билишимизча, уларнинг орасига совуқчилик тушган экан.

Яна шундайлар борки, катта-кичик маросимларни ўзининг туғишганлари қолиб, синфдошлари, касбдошлари ва бошқа улфатлари билан нишонлайди. Ахир буни ота-она, ака-ука ҳамда опа-сингиллар билан бир давра атрофида ўтириб, суҳбатлашиб ўтказишса, қандай яхши! Уларнинг бир-бирига бўлган меҳри, муҳаббати ошади. Бошқа пайтларда ҳам мўминлар жигарлари ҳузурига, уларнинг ҳолидан хабар олишга шошилишлари, агар аразлашган бўлишса, бир-бирларини кечиришлари лозим. Зора, Аллоҳ уларнинг гуноҳларидан ўтса. Шунда ўртадаги келишмовчиликлар

ўз-ўзидан бартараф бўлиб, бир-бирига меҳр-муҳаббати ошиб, кўплаб ажру савобларга эга бўлади.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Кимда уч хислат бўлса, Аллоҳ қиёматда унинг савол-жавобини осонлаштиради ва уни Ўз раҳмати билан жаннатга киритади»**, дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Бу уч нарса нима?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Сени маҳрум қилганга сен илтифот кўрсатасан. Сен билан қариндошлик риштасини узганларга силаи раҳм қиласан. Сенга зулм қилганларни кечирасан. Агар мана шуларни қилсанг, Аллоҳ сени жаннатга киритади»**, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Ким ризқи мўл-кўл қилинишини ва умри узайтирилишини истаса, силаи раҳм қилиб, қариндошлар билан алоқани боғласин»**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Дилмурод СОДИҚОВ

Динимизни ўрганамиз

Натижа Аллоҳдан, биздан эса...

Дунёдаги энг муҳим ва асосий мақсадимиз мазмунли ҳаёт кечиришдир. У-бу ишни турли кўринишларда амалга ошириш мумкин. Масалан, бирор касб танлашдан олдин у касб ўзгалар учун қандай манфаат келтириши ҳақида фикр юритишимиз керак. Фақат ўша касб ортидан келадиган даромад ёки обрў-эътиборни кўзлашимиз тўғри бўлмайди.

Мақсадимиз йўлида натижага эътибор қаратамиз. Кўпинча: «Қанча ҳаракат қилмай, барибир натижа бўлмаяпти» қабилидаги гапларни айтаемиз. Бирор ўзгариш сезмасак, дарров тушкунликка тушамиз.

Ёдда тутайлик, натижа Аллоҳдан. Биздан талаб қилинадигани фақат интилиш. Бунга ёрқин мисол Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаётларидир. У зот алайҳиссалом бир неча йиллар давомида Макка аҳлини иймонга чақирдилар, аммо жуда озчилик мусулмон бўлди. Натижанинг озлиги Набий алайҳиссаломни мақсадларидан тўхтатмади. Рисолатни етказиш учун Тоифга

бордилар. У ерда ўз юртларидан ҳам ёмонроқ муносабат кўрдилар. Тоиф аҳлидан ҳеч ким шаҳодат келтирмади. Набий алайҳиссалом илтижо қилавердилар.

Бундай қараса, ушбу сафардан ҳеч қандай натижа бўлмагандай кўринади. Аммо ўша вақт Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг яқинларидан бир тур жинлар ўтиб борарди. Улар Қуръонни у зот алайҳиссаломдан эшитиб, мусулмон бўлишди. Ҳатто шерикларини ҳам иймонга чақирувчи даъватчига айланишди. Натижада сон-саноксиз жинлар Исломни қабул қилди. Бу ҳолатни Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам ўз кўзлари билан кўрмаган бўлсалар ҳам, Аллоҳ таоло ваҳий орқали билдирди.

Ҳаракатларимиз ортидан ўзгариш сезмасак, бу натижа йўқ эканини билдирмайди. Натижа ҳамisha бўлади!

Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаётларида ҳам бизга гўзал намуна бор. У зотга эргашувчилар жуда озчиликни ташкил этди. Кейин Халилуллоҳ бир ўлкадан бошқа ерга саёҳат қила бошладилар. Охир-оқибат саҳрода тўхтадилар. Одамларнинг Маккага боришларини сўраб, Аллоҳга илтижо қилдилар. Дуоларининг ижобатини ҳаётлик чоғларида кўрмадилар.

Бугун Ернинг ҳеч бир қиъасида иймон келтирмаган, Каъбага интилмаган мусулмон топилмаса керак. Аллоҳнинг уйига жисмонан боришмаса ҳам, қалблари ўша ерда. Бу Иброҳим алайҳиссаломнинг дуоларининг ижобати эмасми?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг китоблари бугун деярли барчанинг севимли асарига айланган. Ҳаётлари давомида юздан ортиқ асар таълиф этган бўлсалар, барчаси ҳам халқнинг қўлига етишидан умид йўқ эди. Ўшанда ўзбек халқи эндигина атеистик тузумдан чиққан, Ислом динидан аста-секинлик билан сабоқ олишни бошлаши зарур бўлган. Аммо Ҳазрат халқнинг ҳаётида маънавият юксалдиган, илм ва маърифат ортадиган даврлар келишидан умидвор ҳолда ёзаверди. Натижа эса барчамизга маълум.

Парвардигор бизга расуллари ва солиҳ бандалари ҳаётида гўзал ибратлар кўрсатди. Шуни билишимиз лозим, биз натижадан эмас, балки қилган амалимиздан сўраламиз.

Моҳигул АНВАРОВА,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
талабаси

Масала

5-бетда

585-ФАТВО

Аёл у билан маҳрам бўлиб ҳажга ҳамроҳ сифатида бориб келувчи кишининг овқат ва йўл харажатларини тўлаши керак. Аёл кишида йўлга қодирлик ва маҳрам мавжуд бўлса, эрининг рухсатисиз ҳам фарз саналган ҳажга бориши жоиз. Аммо нафл саналувчи ҳаж сафарига эрининг рухсатисиз бориши жоиз эмас. Маҳрам топилмагани учун эрга тегиб, уни олиб кетиши вожиб эмас.

«Оламгирия», «Қозихон»

586-ФАТВО

Аёл кишига қўйилган шартлардан яна бири — иддада ўтирган бўлмаслигидир. Иддаси эри ўлгани ёки талоқ қилинган сабабли бўлишининг фарқи йўқ. Агар ҳажнинг йўлида эри ўлиб ёки талоқ билан идда ўтиришга тўғри келиб қолса, етган жойидаги шаҳардан иддаси тугагунча чиқмаслиги лозим.

«Оламгирия», «Қозихон»

587-ФАТВО

Ҳажни адо этиш учун учта шарт лозим. Улар — эҳром, макон ва замондир. Ҳажнинг рукнлари (фарзлари) — эҳромга ният билан кириш, Арафотда бўлиш ва зиёрат тавофи. Вожиблари — Муздалифада туриш, Сафо билан Марва орасида (етти бор) саъй қилиш, шайтонга тош отиш, тавофи садр ва соч олдириш ёки қисқартириш. Суннатлари — тавофи кудум, унда ёки фарз тавофида «рамл» (керилиб юриш), икки яшил белги оралиғида шитоб билан юриш, Минода тунаш (наҳр кунлари), Минодан Арафотга қуёш чиққанидан кейин жўнаш, Муздалифада тунаш, учта тош отиладиган жамаротларда белгиланган тартибда тош отиш ҳам суннат амаллардандир.

«Оламгирия», «Фатхул Қадир»,
«Мухтасар», «ал-Баҳр»

«Минг бир фатво» китобидан

Банан – жаннат меваси


Банан – барчамиз хуш кўрадиган мева. Қанча кўп истеъмол қилсангиз ҳам меъдага тегмайди. Асватани Жануби-Шарқий Осиё (Малай архипелаги) ва Америка қитъаси бўлган бу мева дастурхонимиз кўрки.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда жаннатда бананзорлар борлигидан хабар беради: «**Ўнг томон эгалари. Ўнг томон эгалари недир? Улар тикансиз сидрзорларда, сермева бананзорларда, ёйиқ сояларда, оқар сувларда, сероб меваларда, тугамайдиган ва ман**

қилмайдиган баланд тўшалган кўрпачалардадир» (Воқеа сураси, 27–34-оятлар).

«**Ўнг томон эгалари**»

жаннатда бошқа турфа мевалар қатори мевасини қуюқ қилган бананзорларда



ҳам бўлишади ва хоҳлаганларида бу мевадан ейишади. Муфассирлар бундай дейишган: «Бананни араблар ранги яшиллиги учун гўзал дарахт ҳисоблашган. Бу оятда айнан бананнинг хослаб зикр қилинишига сабаб шуки, қурайшликлар сидрзор ва банан дарахтларига уларнинг сояси кўплиги ва ям-яшиллиги учун қизиқишар, яхши кўришар эди. Шунинг учун ёқтирган нарсаларига ўхшаши билан уларга хитоб этилиб, жаннатдагиси ҳам ваъда қилинди» («Тафсири ирфон»).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: «Дунёдаги банандан бошқа бирор мева жаннат меваларига ўхшамайди. Чунки Аллоҳ таоло: **«Гуноҳлардан сақланувчи тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (шундай): унинг остидан анҳорлар оқиб туради, егуликлари ва соялари доимийдир»** (Раъд сураси, 35-оят) деган. Фақат банангина қишин-ёзин пишиб ётади».

Демак, банан жаннат меваларидан бўлиб, уни бизга неъмат қилиб берган Раббимизга шукроналар бўлсин.

Руҳиддин АКБАРОВ
тайёрлади.

Мактубларда манзаралар

Тошкентлик оқсоқолнинг ўғитлари

Бундан ўн йилча бурун Тошкентнинг Эски шаҳарида истиқомат қилувчи бир оқсоқолникида ишладик. У маданиятли, маърифатли ва тақводор инсон эди.

Оқсоқол ишни бошлашимиздан олдин мен ва шеригим билан суҳбатлашиб, қаерданлигимиз, уруғ-аймоғимиз ҳақида сўраб-суриштирдик. Сўнгра у бизга жиддий тарзда айтдики, мен ичмайдиган, чекмайдиган,

ҳовлида супур-сидир қилиб юрган хотин-қизларга кўз қирини ташламайдиган, иймонли, эътиқодли, ҳалол-пок усталарнигина уйимда ишлатаман. Бундай сифатга эга одамдан ёмонлик чиқмайди, деди. Биз эса ичмаслигимиз ва чекмаслигимизни айтдик.

Қурилишни бошладик. Бу уйда ўзгача файз, тароват бор эди. Ишимиз юришиб борарди. Чойга ўтирган ёки соя-салқинда бир муддат ҳордиқ чиқараётганимизда оқсоқол келиб, даврамизга қўшиларди. У

киши бизни ҳар доим ҳалол меҳнат қилишга, ёлғончилик, фирибгарлик каби иллатлардан йироқ бўлишга даъват этарди.

Кўп ўтмай ишни тугатдик. Меҳнат ҳақимизни олаётиб, оқсоқолга: «Рости, шеригим чекарди, шу ерга келиб ишлаб, сизнинг насиҳатларингизга амал қилиб, чекишни ташлади», дедим. Оқсоқол бу гапдан роса хурсанд бўлди, кўп ёмонликларнинг боши чекиш, ичишдан келиб чиқади, деди шеригимга.

Устачилик касби ортидан юзлаб одамларнинг эшигида меҳнат қилдик. Аммо ҳозиргача эски шаҳарлик оқсоқол ва унинг оилавий тутумига ўхшабини учратмадик. Қаерда ишламайлик, оқсоқолнинг ўғитлари қулоғимиз остида жангилдайди. Шунданми, топган-тутганимизда барака бор.

Ғулом ДУВЛАЕВ,
Каттақўрғон тумани

Саломатлик бурчаги

Нима учун ҳар кун қатик ичиш керак?

Қатик – организмга жуда осон сўриладиган маҳсулот. Ушбу неъмат сурункали уйқусизликда шифо бўлади, чарчоқни олади. У уйқу дорисидек таъсирга эга бўлгани боис шифокорлар уни кечаси ётишдан аввал ичишни тавсия қилишади.

Айниқса, ёғсиз кефир турли касалликларга тавсия қилинган диеталарнинг ажралмас қисми сифатида ишлатилади.

Қатик таркибида кальций ва фосфор дармондорилари мўл бўлиб, суяклар, тишлар ва тирноқларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Юз терисининг тиниқ бўлишини ва мушакларнинг соғломлигини таъминлайди. Яна у ингичка ва йўғон ичакларни ва қон

томирларини тозалашда иштирок этади. Холестеринни, яъни ортиқча хилтларни йўқотишда организмга кўмаклашади.

Дисбактериоз ва диареяни даволашда ҳам қатикдан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, у танамизни бир қанча касалликлардан ҳимоялайди. Антибиотик билан даволаниш жараёнида қатик ичиш ичак микрофлорасини яхшилаб, организмнинг иммун тизимини мустаҳкамлайди. Ичаклардаги фойдали бактерияларни тиклашда ёрдам беради. Шунингдек, организмнинг зарарли микроб ва бактерияларга қарши кучини оширади.

Олимларнинг аниқлашича, доимий равишда қатик ичиб

юрувчиларнинг танасига саратон хасталиги яқин йўламас экан. Болаларда учрайдиган бир қанча инфекцион касалликларнинг олдини олишда, рахит касаллиги, камқонликни даволаш жараёнида, аллергия касалликларда, турли яллиғланиш билан кечувчи хасталикларда ва иштаҳа йўқолганда қатик ичиш мақсадга мувофиқ.

Болаларга тишларининг соғлом ўсиши ва суякларининг бақувват бўлиши учун сут ва қатик маҳсулотларини кунлик овқатланиш тартибига киритиш лозим. Бир суткада 0,5 л қатик ичиш боланинг соғлом ўсишига ёрдам беради. Шифокорлар ҳомиладор аёлларга ҳар кун

1 стакан қатик ичишни тавсия этади.

Соғлом бўлишни истаган киши бир ёки икки кунни қатикли парҳез кунли сифатида ажратиши мақсадга мувофиқ. Бунда рационда 30–40 г оқсил, сут, қатик, творог, 200–300 г углевод ҳамда 20–30 г ёғ бўлади. Натижада ортиқча вазн ва ёғлардан халос бўлинади, юрак-қон томирларидаги ҳаракат меъёрлашади, хавфли шишлар сўрилади бошлайди.

Оғир турдаги меъда хасталиги бўлган беморлар ҳам шифокор гастроэнтеролог маслаҳати билан қатик ичишлари мумкин.

Шоира БЕКЧОНОВА,
олий тоифали шифокор

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent–100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidayatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Azizbek XOLNAZAROV**
Musahhihi: **Zebo OMONOVA**
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**
Ekspertizaga berildi: **18.05.2023**
Xulosa (№03-07/4253) olindi: **30.05.2023**
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.670
227/10-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!